# ХАБАР

HABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1995 йил, 6 октябрь № 40 (165) ●

Сотувда нархи эркин


## РАҲБАРЛАР СИНОВДАН ЎТИШМОҚДА

Ўзбекистон алоқа корхоналари олдига 1995-2010 йилларда республика телекоммуникациясини ривожлантириш ва тараққий эттириш Миллий Дастури муҳим вазифаларни қўйди. Ушбу дастур алоқа корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда меҳнат жамоалари зиммасига жуда катта масъулият юклади. Бу долзарб вазифани бажариш учун раҳбарлар қай даражада тайёр?

Алоқа вазирлигида ҳукуматимиз топшириғига кўра раҳбар мутахассисларни аттестациядан ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу мақсадда аттестация комиссияси тузилди. Комиссия таркибида Президент девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ҳам вакиллар бор. Комиссиянинг дастлабки йиғилишида Тошкент шаҳрида жойлашган алоқа корхоналари раҳбарларининг кўпчилиги муваффақиятли ўтишган бўлса, айрим мутахассислар шартли равишда аттестация қилинди.

Яқин кунларда комиссия республика вилоятларининг марказларига йўл олади ва жойларда раҳбар мутахассисларнинг ишчанлиги ҳамда малакасини баҳолайди. Ўтказилаётган аттестация синовлари корхоналарнинг аҳолига хизмат кўрсатиши ва иш сифатининг ошишига ўз таъсирини кўрсатади деган умиддамиз.

**А. КУДИНОВ**



Газетамиз мухлислари орасида фахрийлар ҳам оз эмас.

СУРАТДА: Фахрийлар — Иброҳим Икромов ва Азиз Шариповлар «Хабар»нинг навбатдаги сони билан танишмоқдалар.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## МЎЪТАБАР ДАРГОҲДА БАЙРАМ БЎЛДИ

Алоқа институти биносида Тошкент Электротехника алоқа институтининг 40 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда институт ўқитувчи ва талабалари, алоқа корхоналари ва ташкилотларидан вакиллар ҳамда МДҲ давлатларида хизмат қилаётган собиқ талабалар, меҳнат фахрийлари таклиф қилинди. Анжуманни институт ректори Т. Д. Ражабов очди. Алоқа вазири Т. Ғ. Раҳимов институт жамоасини шонли сана билан қутлаб, унинг босиб ўтган тарихий йўли ҳақида йиғилганларга қисқача сўзлаб берди.

Шундан сўнг институтнинг собиқ ректори академик Ж. А. Абдуллаев, Москва информатика ва алоқа техникаси дорилфунунининг проректори, профессор Н. Н. Фомйнлар сўзга чиқиб, ўтган йиллар мобайнида институтда амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар хусусида гапиришди, жамоага республикамизда алоқа соҳасини ривожлантиришдаги ишларида улкан муваффақиятлар тилашди.

**А. ДАРВЕШОВ**

## ОБУНА БОШЛАНДИ

Алоқа соҳасидаги янгиликлар, ижтимоий-сиёсий воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлиш, қизиқарли лавҳа-очерклар, маданий-миллий қадриятларга оид мақолаларни мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

**ОБУНА БАҲОСИ:**

Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистонда:

**ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:**

6 ойга 112 сўм 80 тийин. 12 ойга 225 сўм 60 тийин.

**ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:**

6 ойга 151 сўм 80 тийин. 12 ойга 303 сўм 60 тийин.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:**

Якка тартибдаги обуначилар учун

6 ойга 84 сўм. 12 ойга 168 сўм.

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга 66 сўм. 12 ойга 132 сўм.

**ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:**

6 ойга 160 сўм. 12 ойга 304 сўм.

**ТАШКИЛОТЛАР ОБУНАНИ АБОНЕНТ ҚУТИЛАРИГА РАСМИЙЛАШТИРГАН ҲОЛЛАРДА:**

6 ойга 126 сўм. 12 ойга 252 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 64600.

## МАҲАЛЛА АҲЛИ МАМНУН

Кейинги пайтларда телефон тармоқлари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг камайиб кетгани барчага аён. Шу боис ҳам алоқа корхоналари иложи борича мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, танг вазиятдан чиқиш ҳаракатида бўлишмоқда.

«Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Отабой Абдуллаев бошчилигидаги Хоразм механизациялашган кўчма колонна таъмирлаш-қурилиш бригадаси аъзолари бир йилдан буён Тошкент шаҳрида телефон тармоқларини таъмирламоқдалар. Аҳил бригада аъзолари ўтган йили Собир Раҳимов туманидаги 45, 47-АТСларда меҳнат қилишди.

Кўчма колонна таъмирловчилари жорий йилдан бошлаб Чилонзор туманида 16/17, 72, 74/75, 76, 77, 79 АТСларида кўпгина юмушларни бажаришди. Қўшимча янги 23 километрдан зиёд янги телефон кабелларини фойдаланишда бўлган линияга улаш имкониятини яратиб беришди. Ушбу АТСларда 1,5 километрлик масофага янги симёғоч ўрнатилиб, 22,5 километр кабель линиялари қайта созланди. Чилонзор туманида таъмирлаш-қурилиш ишларининг амалга оширилаётгани маҳалла аҳлининг қувончига қувонч қўшмоқда.

Бригадада И. Абдуллаев, М. Отажонов, Қ. Отаниёзов, А. Шеров, И. Сариев, Т. Рўзметов, О. Ҳожимов, Ж. Абдуллаев, О. Авазов каби илғорлар бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Йил бошидан буён тўққиз ой ичида бу бригада 1 миллион 385 минг 539 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Хайрли ишни бажараётган азамат таъмирловчиларга омад тилаймиз.

**А. ИЗЗАТОВ**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Воқеалар ● Янгиликлар ● Хабарлар

● Мамлакатимиз аҳли ва умуман жаҳон зиёлилари давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 19 апрелда чиққан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олгандилар. Тошкентда ана шу янги Академиянинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ролета» фирмаси президенти Роландас Лауринайтис бошчилигидаги литвалик тадбиркорларни қабул қилди.

● Тошкентда ўтказилган «Германия — Ўзбекистон: тарихий, сиёсий ва стратегик жиҳатдан қиёслаш муаммолари» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини якунлади.

● Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонга 15 вагон дон ва 100 тонна ёнилғидан иборат навбатдаги инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

● Чеченистонда ўт очишни тўхтатиш ҳақида ҳужжат имзоланганига қарамай, Россия ҳарбий қисмларига ҳужум қилиш ҳоллари давом этяпти.

● Берлинда Германия бирлашганлигининг беш йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

# ҚАРИШГА ВАҚТИ ЙЎҚ ЙИГИТ



Донолардан бири «Оиласида бахтли бўлган одам умуман бахтлидир» деган эди. Ҳақ гап.

Инсон умрининг деярли ярми хизматда — ишхонада ўтади. Агар одам ўз ишидан — касбу коридан ҳам мамнун бўлса, бундай кишини бемалол бахтли дейиш мумкин.

Суҳбатдошим — Ургут тумани почта алоқаси корхонаси бошлиғи Камолиддин Намозов ана шундай бахт соҳибидир. Кўринишидан уни ҳали қиркдан ошмаган деб ўйлайсиз. Аслида элликни қоралаяпти. Тўққиз набирага бобо!

Ёшига нисбатан ёшроқ кўринувчиларни айримлар ҳаётда ортиқча қийинчилик кўрмаганга чиқариб қўйишадики, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Кузатишимча, ҳаётда ўзининг ҳақиқий ўрнини топган, мазмунли умр кечирувчи ва соғлом турмуш тарзига амал қилувчилар йиллар синовига ҳам бардошлироқ бўлишади. Иш билан, бахтли оила билан андармон бўлиб, қаришга вақт топишолмайди. Камолиддин билан гурунглашаётганимда ана шу фикрлар хаёлимдан ўтди-ю уни яна ўн, йигирма йилдан кейин ҳам шундай қиёфада, оғир вазмин, кўтаринки кайфиятда кўргим келди.

Оддий одамларнинг таржимаи ҳоли ҳам ўзларига ўхшаган оддий бўлади. Ишини сўраб-суриштирсангиз, шоир айтганидек, «Бизлар ишлаяпмиз, бу меҳнат, холос» мақомида жавоб беришади.

Камолиддиннинг алоқа соҳасида меҳнат қилаётганига ҳадемай ўттиз йил бўлади. Олдин ҳисобчи, иқтисодчи вазифаларида ҳам ишлаб кўрди. Алоқа хизматининг қандайдир бир кўзга кўринмас сеҳру жодуси бормиди — билмайди, ўзини бошқа соҳада тасаввур қилолмайди.

Сир эмас, ургутликлар бозор-ўчарга анча эпчил, уддабурон, топармон-тутармон халқ. Бозор иқтисодиётини анча илгари бошлашган. Камолиддиннинг кўпгина дўстлари, ёру биродарлари тижорат соҳасида жавлон уриб юришибди. (Шулардан бири — Ургут марказидаги бозорда дўкон очган Тошпўлат билан танишиш насиб этди, ажойиб, дилкаш инсон экан!) Ана ўшалар Камолиддинни «йўлдан уришга» кўп уринишди: «Бу ишингни қўй энди, етар шунча ишлаганинг, биз билан юр, кам бўлмайсан...»

Одамзод бу ёруғ дунёга фақат еб-ичиш, маишат қилиб роҳат-фароғатда яшаш учунгина келмаслигини у яхши билади. Шунинг учун ҳам энди касбини ўзгартиролмайди. Атрофига Ҳамроқул Искандаров, Жаббор Умаров каби алоқачиликка ихлос-эътиқод қўйган фидойиларни, Тўйчибой сингари ота касбини давом эттираётганларни тўплади. Ўттиз учта алоқа бўлимидаги 189 нафар алоқачининг бошини қовуштирди. Натижа ҳам ёмон бўлмаяпти.

Олти ойлик иш якунларига кўра даромаднинг 75 фоизи нафақа тарқатиш ҳисобига олинган. Бошқа вилоят ва туманларга нисбатан олганда бу ёмон кўрсаткич эмас.

Тумандаги суғурта, газлаштириш ва электр энергияси тармоқлари каби ташкилотлар билан тузилган шартномалардан ҳам дурустгина даромад қилинмоқда. Шундай шартномани автомобил назорати идораси билан тузиш режаси ҳам бор.

Туман почтачилари бевосита ўз хизмат турлари бўйича юқори самарадорликка эришишни асосий бурч деб ҳисоблашади. Улар обуна бўйича вилоятда энг юксак кўрсаткичга (123 номдаги нашрларга 65 минг обуначи ёзилишган) эришганликлари учун махсус мукофот олишгани ҳам бежиз эмас! Айни чоғда почтачиларнинг газета-журнал сотиши йўлга қўйилган.

— Бозор иқтисодиёти почтачилар учун ҳам муҳим синов бўлди, — дейди К.Намозов. — Одамлар хат-хабар ёзмай қўйди, дея қўл қовуштириб ўтирган билан иш битмайди. Биз ҳар бир қишлоқдаги ҳарбий хизматга кетган аскарнинг манзилгоҳини аниқлаб, байрамларда уларга табрикномалар, шошилинчномалар жўнатишни ташкил қиляпмиз. Хуллас, кунига туманимиздан 45-50 та хат ташқарига чиқяпти. Хат алмашуви йилига 15 мингга етади. Тўғри, жўнатма алмашуви анча сусайган. Шуни дурустроқ йўлга қўйишимиз керак. Эсимда, 1987 йили собиқ Иттифоқдаги республикаларга арзон нархда қуруқ мевалар юборишимиз мумкинлиги ҳақида хат билан мурожаат қилувдик. Хатимизни Москва нашрлари чоп этди. Хуллас, ўшанда ишимиз юришиб кетувди. Афсуски, кейинчалик турли сабаблар билан бу хайрли иш тўхтаб қолди. Менимча, бу ишни яна қайта тиклаш, нафақат қардош жумҳуриятлар, балки яқин шарқ мамлакатлари билан ҳам жўнатмалар алмашинувини йўлга қўйиш лозим. Жаҳонга юз тутаётган мустақил Ўзбекистонимиз нуфузи бу билан янада мустаҳкамланади.

Камолиддин ҳамкасбларининг бошини қотираётган бошқа муаммолар ҳақида ҳам куйиниб гапирди. Транспорт, асосий идорани таъмирлаш, янги обуна мавсуми, қишга тайёргарлик каби шу кунларда ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларнинг тезроқ ҳал этилишини истайди.

... «Бошлиғимиз Аминжон Ғаффоров дардимизни яхши тушунади, ёрдам беради», — дейди у ишонч билан.

Дарҳақиқат, одамлар, айниқса ҳамкасблар бирбирини тушунса, бир-бирига ишонса ва ўзаро ёрдам қўлини чўзса, ҳал бўлмайдиган жумбоқнинг ўзи йўқ.

# ТОҒДА ИШЛАШ ОСОНМАС

*Бойсун — Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларидан бири. Бу ернинг табиати ҳам, одамлари ҳам бетакрор, беқиёс. Гурунглашиб мазза қиласиз.*

***Мухбиримиз яқинда Бойсунда бўлиб, туман электр алоқа тармоғи корхонасининг бош муҳандиси Маннон ҲАКИМОВ билан суҳбатлашди.***

— Туманимиз тоғли ерда жойлашган. Шунинг учун алоқа хизмати кўрсатишнинг ҳам ўз машаққатлари бор. Корхонада 52 ходим меҳнат қилади. Шулардан 4 нафари олий, 8 киши эса ўрта махсус маълумотга эга. Шаҳар марказида 2286 та, қишлоқ жойларида 1052 та телефон ва 7093 та радио нутқа ишлаб турибди. Туманимиз марказидан туриб МДҲ давлатларининг исталган жойи билан сўзлашиш мумкин. Шаҳар марказида 3 минг рақамли АТС ишлаяпти. Мижозларимиз хорижий давлатлар билан буюртма орқали гаплашишлари мумкин.

Кейинги пайтда жамоа хўжаликлари ва туман марказидаги сўзлашув пунктлари автоматлаштирилди. Ибодулла Назаров номли, «Ғайрат», «Сайроб», «Дарбанд» жамоа хўжаликларидаги АТСларга янги ускуналар ўрнатиб, ишга туширдик.

Туманимиз аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида Бойсун шаҳрида 14 та таксофон ўрнатганмиз. Улардан туман аҳолиси бемалол фойдаланяпти. Бундан ташқари, 6 кишидан иборат қурилиш-таъмирлаш бригадаси ҳам тузганмиз. Эҳтиёт қисмлар танқис бўлишига қарамай бу бригада ўз ишларини уддаламоқда. Тоғ ҳудуди ўта эҳтиёткорлик билан ишлашни талаб қилади. Ўтган йили баҳор пайтида ер кўчиши оқибатида «Қўрғонча» жамоа хўжалиги ҳудудида 14 километрли алоқа линияси тупроқ остида қолиб кетди. Ўз кучимиз билан ушбу носозликни бартараф қилдик. Ана шундай ҳар хил фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриб қўйганмиз. Юқорида эслатганимдек, тоғли ҳудудда ишлаш биз алоқачилардан ишимизга маъсулият билан ёндошишни тақозо этади.

Энди корхонамиздаги шарт-шароитга келсак, ходимларимиз яхшигина маош олишади. 1983 йили янги бинога кўчиб ўтганмиз. Намунали ишлаш учун барча имкониятлар бор. Б.Тошматов, З.Бўриев, Н.Жалилов, А.Ғаффоров, М.Соҳибова, Ҳ.Орипова, Н.Юсупов, С.Ибодов, Ф.Назаров, Д.Ҳасановлар корхонамизнинг пешқадамлари ҳисобланади.

Бизни қийнаётган масалалардан бири тумандаги кўпгина корхоналар ишхонамиздан қарздор. Ҳозирги шароит аниқ ҳисоб-китобни талаб қиляпти. Агар ўша маблағлар бизнинг ҳисобимизга тушганда эди, ишимиз анча енгиллашарди. Мақсадимиз туман аҳолисига сифатли алоқа хизмати кўрсатишдир. Бунинг учун қўлдан келган барча ишларни амалга оширяпмиз.

**Суҳбатни Иззат АҲМЕДОВ ёзиб олди**

# ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Йиллар ўтаверади, замонлар алмашаверади, инсон онги ҳам ўсади, ўзгаради, лекин қалб ўзгармайди. Ўзининг ҳар доим саховатга, мурўвватга ташналигини сақлаб қолаверади...

Мен турли учрашувларга тез-тез бориб тураман. Алоқачи бўлганим учун ёшлар билан буладиган мулоқотларда алоқачилик касби, унинг ҳозирги мустақиллик давридаги ўрни хусусида албатта тўхталаман. Маълумки, алоқа хизмати давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим хизмат туридир. Буни айниқса ҳаётини шу соҳага бахшида қилганлар яхши билишади. Обиджон ака Усмонов ана шундай фидокор алоқачилардан. У оддий телефончидан етук алоқачи муҳандис, ташкилотчи раҳбар бўлиб етишган. Оталари Собит ака Усмонов ҳам республиканинг биринчи алоқачиларидан бўлиб, иккинчи жаҳон урушигача алоқа соҳасида меҳнат қилган.



Обиджон ака 5 йил алоқа институтида таҳсил олди. Сўнгра ўша даврда катта шов-шувга эга бўлган Газли-Урал магистралида, Урганч-Тошовуз-Хўжайли-Қўнғирот-Устюрт радиорелели станциялар қурилишида ишлади.

Мақсад магистрал бўйича шаҳарлараро автоматик алоқа хизматини тезроқ ишга тушириш эди. Бу қурилиш бўлинмаси 1967 йил март ойида Алоқа вазирлиги балансига ўтказилгандан кейин Обиджон ака Тошкентга қайтиб келиб, бир қатор алоқа корхоналарида хизмат қилди. 1988-1992 йиллари «Ўзгипралоқа» институтида бош лойиҳа муҳандиси бўлиб ишлаган вақтларида республикамиз бўйича давлат ва жамоа хўжаликларини, туман марказларини телефонлаштириш, радиолаштириш, вилоятларда телевизион ретранслятор лойиҳаларини тайёрлашда бош-қош бўлди.

Обиджон ака 1992 йили шаҳар телефон алоқаларида тушум даромадини ўйлаб ҳамда таксофонларда сўзлашувни осонлаштириш мақсадида жетон тизимини бошқармадаги етук мутахассислар билан жорий этишда фаол иштирок этди.

О. Усмонов 1994 йил сентябрь ойидан буён «Ўзбектелеком» концернида сим орқали радиоэшиттириш бўйича етакчи муҳандис бўлиб ишламоқда. Обиджон аканинг фикрича, республикамизда сим орқали радиоэшиттириш ўз асрини яшаб бўлди. Бундан буён радиоэшиттиришни фақат эфир орқали ўта қисқа диапазонда йўлга қўйиш керак. Бундай тажриба ривожланган мамлакатларда кенг йўлга қўйилмоқда. Белорусь давлатида тўрт дастурлик кичик радиоприёмниклар ишлаб чиқарилаётганлиги маълум.

Обиджон ака етакчи муҳандис сифатида кўп йиллар давомида орттирган тажрибаларини юздан ортиқ алоқачи ёшларга меҳр билан ўргатиб келмоқда. Эндиликда устозининг шогирдларини республикамизнинг барча алоқа корхоналарида учратиш мумкин. Шулардан Мунаввар Йўлдошева, Лариса Бирсенова — «Ўзинпексалоқа»да етакчи муҳандис, Заҳро Ҳусанхўжаева — «Ўзбектелеком» концернида бўлим бошлиғи, Миржалол Мирсоатов — «Ўздавлаталоқа» лойиҳа олийгоҳида бўлим раҳбари, Ҳакимниёз Енбергенов — Нукус шаҳар телефон станциясида бош муҳандис вазифаларида хизмат қилишмоқда.

Обиджон аканинг оиласи алоқачилар сулоласидир. Турмуш ўртоғи физик, икки ўғли, бир қизи Тошкент Электротехника алоқа олийгоҳини битириб, республика радио уйида муҳандис бўлиб ишлашмоқда. Кенжа қизлари — Муножотхон республика радиосида катта бўлган десам янглишмайман, чунки у учинчи синфдан бошлаб ўрта мактабни битиргунча «Пионер эрталиги» — ҳозирги «Келажак тонги» эшиттиришида қатнашиб келган. Ҳозир ҳам республика радиоқўмитасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Обиджон ака Усмонов 60 ёшни қаршилабди, биз шогирдлари ўз касбининг билимдони, севимли устозимизни қутлуғ ёши билан чин қалбдан табриклаб, соғлиқ, оилавий бахт тилаймиз.

**Султонхўжа ТЎРАХЎЖА ўғли**

# ТАЛАБАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент Электротехника алоқа институтининг 40 йиллиги байрами арафасида қорақалпоғистонлик талабаларнинг қувончига яна бир қувонч қўшилди. Қорақалпоғистон Республикаси электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти хайрли ташаббусга бош қўшдилар.

Улар ўз ворислари — юртдош талабаларнинг ҳар бирига минг сўмдан пул мукофоти улашдилар. Айни чоғда корхона ҳисобидан бундан буён аълочи талабаларнинг стипендиясига 500 сўмдан, «яхши» баҳога ўқиётганларга эса 300 сўмдан қўшимча пул тўлаб бориладиган бўлди.

— Сизлардан умидимиз катта, — деди корхона бошлиғи Оразбой Таженов талабаларга мурожаат этиб. — Касб-ҳунарни пишиқ-пухта эгаллаб, малакали мутахассис бўлиш асосий бурчингиздир. Бу борада сизларга омад тилайман.

Москва информатика ва алоқа техникаси университетининг проректори Н. Н. Фомин, Тошкент Электротехника алоқа институти декани О. Абдуазизов, Алоқа вазирлиги раҳбар ходимлар ва ўқув юртлари бўлими бошлиғи Р. Асқаровлар талабаларга яхши тилаклар билдиришди.

Қорақалпоғистонлик талабалар кўрсатилган ғамхўрликка жавобан астойдил, ихлос билан ўқишга, эл-юртнинг кор-ҳолига ярайдиган муносиб мутахассислар бўлишга сўз бердилар.

## БИР КУНЛИК МЎЪЖИЗА

Бир мўъжиза берди руй,
Кеча бизнинг шаҳарда.
Айтиб берай, лоф демай,
Ишонсангиз агарда.

Катта-кичик ҳамма халқ
Синайин деб ўзини,
Унутишди бир кунга
«Мумкин эмас» сўзини.

Кимса йўққи, ишонинг
На тергаса, қистаса.
Хоҳлаганча ухлайман,
Уйин тайин истасам.

Эрта-кеч тўп тепаман,
Ҳар қандай вақт, меъёр-
бас,
Омад шу-да, ҳеч кимса
«Бўлди», «бас қил» деёл-
мас.

— Ойи, еиман муз-
қаймоқ!
Ойим-чи «йўқ» демайди.
Шундай бўлгач, қай аҳ-
моқ
Букканича емайди.

## БОЛАЛАР ШОИРИ — САҲИФАМИЗ МЕҲМОНИ

**Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ**

•

Бугун иситмам бироқ
Нақ қирқ. Дорилар наф-
сиз.
Ойим дер: — Укол керак!
Йўқ деёлмайман, афсус!

### ОНАМ ТУҒИЛГАН КУНИ

Меҳмонлар кетгач, дадам
Чиқмай ётоқхонамдан
Уқтирдилар:— Бахтимни-
нг
Бус-бутлиги онангдан!

Шу гап баҳона бўлиб,
Келажакка бўйладим.
Менга бахт берар қизни
Ётиб олиб ўйладим.

Қаршимда таниш қизлар
Бўлди бир-бир намоён.
Бири ўйчан, бири шўх,
Бири сал-пал паришон.

Одоб билан барчаси
Кўз ўнгимда тизилди.
Барининг кўнгли менга
Мойиллиги сезилди.

Ана Барно турибди
Интиқ бўлиб ўртада.
Хўп дердиму, хавфлироқ,
Акалари тўртта-да!

Хуш ёқиб кетар Раъно
Ишва билан боққанда.
Уқишлари ҳам аъло,
Тили сал-пал чаққонда.

Нур яхшию отаси
Ишга қатнар мошинда.
Тағин дадам бош эгиб,
Қолмасин-да қошинда.

Гули ҳам ёмонмасу,
Инсофга келармикан.
Кўчиришга бермайди,
Кейин бахт берармикан?!

Қаршимдан таниш қизлар
Утаверди бирма-бир.
Нозланиб туриб олди
Юраккинам қурмагур.

Чироқларни ўчириб,
Чиқар экан хонамдан,
Дадам такрор уқтирди:
— Бахтим фақат онанг-
дан!

Онам борки, уйимиз
Чиндан ҳам тожи-тахтли.
Ойимни осон топган
Дадажоним энг бахтли!

### ОНА ОРОЛ

Болажоним Аму, Сир
Уйнаб қолди қайдадир.
Кўп соғиндим, ичиқдим,
Нега улар кечикди?

Иккови ҳам жуда шўх,
Нима бўлди, нега йўқ?
Ёз, куз кетди қиш ке-
либ,
Омонмикин ишқилиб?

Бағрим қолди ҳувил-
лаб,
Сур шамоллар гувил-
лаб,
Кўзимга қум пуркай-
ди,
Бир лаҳза жим тур-
сайди.

Болажоним Аму, Сир
Уйнаб қолди қайдадир.
Кута-кута толдим-ку,
Э, воҳ, чўкиб қолдим-
ку.

Тўлдирса деб бағрим-
ни,
Олишса деб дардимни,
Умид билан кутяпман
Ёшим ичга ютяпман.
Берган сутимни оқлаб,
Келиб қолар ўйноқлаб.

• Ажаб дунё

## ТАРКИ ДУНЁ АРИЛАР...

Олам мўъжизаларга бой. Чумолидан тортиб то улкан маҳлуқларгача бўлган турфа олам мавжудотларининг сирли дунёси ҳамон инсониятни лол қолдириб келмоқда.

...Ёз кунлари эди, айвон бўғотига бир жуфт ари келиб ин қура бошлади. Аста-секин уя катталашиб, арилар ҳам ғуж-ғуж кўпайиб борарди. Уя чунонам пишиқ ва чиройли қурилдики, аста қўяверинг. Унинг бир қолипда жойлашган катакчалари, иштиёқ билан сайқал берилган ички ва ташқи кўриниши ўзига хос бир санъат эди. Инсон назарга илмайдиган бир митти газанда қавмининг уя қуришдаги ўта аҳиллиги ва меҳнаткашлиги, ўткир диди, фаросати мени ҳайрон қолдирди.

Кунларнинг бирида қайси бир шумтака болакай уяни бузиб кетибди. Жабрдийда арилар икки-уч кун бузилган ин теварагида жазаваси тутиб, бетартиб учишди. Кейин бариси ин ўрнига ғуж-ғуж ёпишиб етди-да, қайтиб учмади. Фақат бирор кимса яқин келсагина ёппасига ҳужумга шайланар, қанотларини безовта париллатиб, қандайдир таҳликали сас чиқарар эди. Бу воқеани бир неча кун кузатдим. Арилар ишламас, уя ҳам қурмас, бўғотга ёпишиб ётганча кун ўтказарди.

Ёз ўтиб, салқин кунлар келди. Ҳар куни уя пойида учтўртта жонсиз ари пайдо бўла бошлади. Кун сайин бўғотда ёпишиб ётган арилар жамоаси сийраклашар, ерда эса мурдалар кўпайиб борарди. Назаримда, арилар ёшлик куч-ғайрати ила бунёд этган ини бузилгач, қаттиқ изтироб чеккан, ҳатто яшашдан-да совуган: «Шу қисқа умрга ҳам икки марта уя қурмоқ фарзми» дегандай, тарки дунё қилган кўринарди...

**Кудрат ХУДОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**



Олтин куз...

## ҚУВНОҚЛАР ХАНДАСИ

Габроволик талаба отасига шундай шошилинчнома юборибди:

— «Отажон, бўлажак келинингиз билан суратга тушиб, сизларга юборишим учун пул юборсангиз».

Отадан жавоб келди:

— «Сенинг башарангни яхши биламиз, шунинг учун пулни фақат келинга лойиқ жўнатяпман».

***

Профессор тахтага кимёвий формулани ёзиб, талабадан сўради:

— Бу қанақа формула?

— Ҳим, домлажон, шундоққина тилимнинг учида турипти-ю...

— Үндоқ бўлса, дарров туфлаб ташланг, ахир бу кислота-ку!

***

Хорижий тил муаллими талабага топшириқ берди:

— Энг узун сўзга мисол келтиринг.

— Каучук! — деди талаба ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Ахир бу сўз узун эмас-ку.

— Каучукни истаганингизча чўзиш мумкин, домлажон.

***

Икки талаба ўзаро суҳбатлашяпти.

— Мен сеҳргар бўлишни истардим.

— Сеҳргар бўлсанг нима қилардинг?

— Математика ўқитувчисини чумчуққа айлантириб, деразадан учириб юборардим.

***

Тарих муаллими талабага Амир Темур туғилган ва вафот этган йилларни кўрсатиб, сўради:

— Бу рақамлар нимани билдиради?

— Булар жаҳонгирнинг телефон рақамлари бўлса керак, домлажон?

• Мерос

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ ЎЗ ЎҒЛИГА НАСИҲАТЛАРИ

Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни гам-қайғуга ташлама. Уз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Утиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир. Узингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи осилтириб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона киши билан ҳамсуҳбат бўлма.

Уз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Узига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жанггу жанжалдан қоч. Ваъда берсанг — албатта бажар. Ҳеч кимни ранжитма.

(«Қонуни ҳикмат» китобидан)

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги •

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0478. 9894 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

